Ишонч № 52 1993

# БОБУР МЕҲМОНЛАРИ АНДИЖОНДА

1993 йилнинг сўнги ҳафталари Бобурнинг 510 йиллик тўйи шарофати билан Андижонда ўта суронли ҳаяжон кечди. Табаррук тўйга республика давлат арбоблари, таникли шоир ва ёзувчилари, фан ва маданият билимдонлари билан бирга қўшни вилоятлардан — Қирғизистоннинг Ўш ва Жалолободидан, Тожикистоннинг Хўжандидан, ҳатто олис Ҳиндистоннинг Ҳайдарободидан ҳам азиз меҳмонлар ташриф буюрдилар. Айниқса, Туркия ва Ҳиндистоннинг юртимиздаги элчилари Вулқон Чўтир, Далип Меҳта ва Бобур авлодлари саналмиш Зиёвуддин, Масиқийтдин ҳамда Мўйиниддин Тусийларнинг ҳам Андижон тантаналарида иштирок этиши алоҳида воқеа бўлди. Асосий тантаналар Андижоннинг бош майдонида ўрнатилган Бобур ҳайкалининг очилиши билан бошланди.

— Ҳазрат Бобурнинг ота юрти Андижонга қайтгани ҳаммамиз учун муборак бўлсин,— деди сўзга чиққан таниқли шоир Э. Воҳидов,— шоирларнинг шоҳи, шоҳларнинг шоири бўлмиш Бобур ҳазратлари аҳли Турон учун фахрдир.

Вилоят ҳокимлигининг катта залида тўйга бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Йиғилишда Ўзбекистон халқ ёзувчиси П. Қодиров, бобуршунос олим — академик Сабоҳат Азимжонова, Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчиси Далип Меҳта, Туркиянинг Ўзбекистондаги элчиси Вулқон Чўтир, Бобур авлоди Зиёвуддин Тусийлар сўзга чиқиб, Бобурнинг дунё миқёсида тутган ўрни ҳақидаги фикрларини билдирдилар. Д. Меҳта Бобур музейи учун Бобур, Ҳумоюн, Акбар, Шоҳжаҳонлар ҳақидаги қимматли китобларни эсдалик сифатида тақдим этди.

Тушликдан сўнг тўй тантаналари Боғишамол оромгоҳида давом этди. Бу ерда «Бобур боғи» мажмуи тантанали равишда очилди. Жуда катта майдондаги бадиий ҳунармандчилик, саноат ишлаб чиқариш кўргазмаси, «Гулла, яшна, жон Андижоним!» фестивали ғолибларининг чиқишлари, мушоиралар, таниқли санъаткорлар ва ҳаваскорларнинг куй-қўшиқлари ҳам ҳазрати Бобурга бағишланди.

Бўлиб ўтган тантаналарда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Республика бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев, Андижон вилоят ҳокими Қ. Обидовлар иштирок этишди.

**«Ишонч» мухбири.**



Суратда: Бобур шарафига қурилган обидалардан бири.
Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.



# «МАРДЛАР ЮРАГИДА БАРҚ УРИБ ҚОЛДИ»

АТОҚЛИ шоир ва драмматург Туроб Тўла ҳозир ҳаёт бўлганида таваллудининг 75 йиллигини биргаликда нишонлаётган бўлардик. У ўзига хос мусиқий услуби ва жарангдор овози билан ажралиб турувчи, адабиётимизнинг энг жонкуяр адибларидан бири эди. Бирон куни ўтмас эдикқ, унинг бирон янги шеърини газета саҳифасида ўқимасангиз, ёҳуд радио, телевидение орқали эшитмасангиз, бирор байрам, адабий тадбир, тўйтомошаларда унинг шеърларига янги басталанган қўшиқни эшитмасангиз. Хуллас, қоғоз билан қаламни бир зумгина тарк этиб, бир зумгина ёзмасликни катта нуқсон санарди ўзига. Ёзмаса ҳам қалби мудом куйлаб турарди унинг. Буни юриш-туриши, кўз қарашлари, худди яшариб кетгандай туйилган ёрқин қиёфаси, нур ёғилган чеҳрасидан сезиш қийин бўлмасди. Гўё оламни, гўзалликни, айниқса, гўзалларни ҳақиқий ошиқ кўзи билан кўриб, ҳаёт лаззатини ҳақиқий фидойи тилидан ифода этар, қалбидан шеърият мухлислари, китобхонларининг юрагини ҳаяжонга соладиган, оташин, дилрабо мисралари шаффоф булоқ сувидай отилиб, тошиб чиқарди. Ватанга бўлган муҳаббатини бор овоз билан изҳор этиш учун сўз тополмаслиғини рўй-рост қоғозга тўкарди:

**Қай тилда куйласам яхшироқ уни,**
**Қай тилда бунга келар экан соз.**
**Қай тил баланд қилади парвоз,**
**Қай тилнинг жўшқинроқ тўлқини.**
**Қай тилда куйласам яхшироқ уни.**

Нафис ва жўшқин туйғулар, қайноқ, илҳомбахш ҳисларга тўла қалб эгаси Туроб Тўла мўътабар халқи, она юрт ва замонасининг талабларига ҳозиржавоб ижодкор эди. Улуғ Ватан уруши йиллари унинг қалами найзага айланиб, ёв кўксига зарб билан урилар, ўзбек ўғлонларини жангоҳ сари бошлаб, марди-майдонлик кўрсатишга ундарди. Атоқли ҳофизлар тилидан янграган қўшиқлари эса фарзандларини жангга кузатган оналар қалбига тасалли берарди. Урушдан кейин эса санъат ва санъаткорлар ичра шўнғиб, машҳур саҳна усталари, хонанда, бастакорлар билан биргаликда дилига йиғилиб қолган нафосат туйғусини барала изҳор этиш билан бутун маҳоратини қўшиқчиликка бахш этди. Унинг «Йўлларим», «Кўчалар», «Тонг еллари», «Тўхтанг, менга навбат», «Санобар», «Бир пиёла май», «Ўзбекистонда», «Тошкент наҳори» «Уч дугона», «Олтин сандиқ», «Борми инсофинг», «Хаёлим сенда», «Момо» сингари бесаноқ ажойиб ва манзур қўшиқлари халқ орасида кенг тарқалади, тилдан тилга кўчади. Ҳозирги кунларда ҳам бу қўшиқлар дилни аллалайди, шавқ-завқ бахш этади кишига, жасоратга чорлайди, яхши кунлар яқинлигига инон-ишонч уйғотади ҳаммада.

Туроб ака шеърдагина эмас, балки адабиётнинг ҳамма жанрларида ҳам қалам тебратиб, алоҳида ҳурматга сазовор бўлган арбоб эди. Унинг либретолари асосида яратилган опералари, мусиқали драмалар, сценарийлари бўйича суратга олинган «Мафтунингман», «Фурқат», «Одамлар орасида бир ўзи», «Шашмақом» каби фильмлари, айниқса, пойтахт ва вилоят театрлари саҳналарида намойиш этилган «Қари қиз», «Қизбулоқ», «Нодирабегим» сингари драмалари ўзбек маданияти ва санъатини бойитишга қўшилган муносиб хазинадир. Шунинг учун ҳам у Ўзбекистон халқ ёзувчиси, деган фахрий унвон олишга муяссар бўлган эди. Ўз халқи, ўз замонасига ҳалол меҳнат қилган бандаси ҳеч қачон ўлмайди. У мангу барҳаётдир. Бугун 75 йиллик тўйи ўтказилаётган устоз Туроб Тўла ҳам эл ҳурмати, эъзозига сазовор бўлиб, орамизда, биз билан бирга яшайди. Худди ўзининг бир шеърида айтганидек у:

**Лочин эди қўшиқ бўлиб учган,**
**Лочин эди,**
**қўшиқ бўлиб қолди.**
**Қўшиқ эди қалбингизни қучган,**
**Ўша қўшиқ,**
**ёниб йўқолди!..**
**Ёниб йўқолди у,**
**аммо яллиғланиб,**
**Мардлар юрагида барқ уриб қолди.**

**Жонрид АБДУЛЛАХОНОВ.**

# ҲАЁТ ЧЕЧАКЛАРИ

ЭЛ ИЧРА инсондан яхши ном, эзгу ишлар қолсин экан. Кишилар кимники ҳурмат билан ёдга олишса, демак у одам ҳаётини беҳуда ўтказмабди. Яхшилик қилиб яшаш учун ҳам катта қалб керак. Катта шоир ҳам, оддий деҳқон ҳам шундай қалб эгаси бўлиши мумкин. Бундай инсонлар дунёни тарк этганларидан сўнг ҳам ҳаётдаги ўринлари билиниб туради, айниқса, турмуш ташвишлари кўпайган, меҳроқибатга камроқ жой қолаётган ҳозирги даврда одамларни бир-бирига муҳаббатли бўлишга чорлаб туради.

Яккабоғ туманининг (ҳозирги Каттабоғ) Аширов номида жамоа хўжалигининг Қорамурча қишлоғида яшаб ўтган Қултўра Товқораев ана шундай инсон сифатида юртдошлари хотирасида сақланиб қолган. У 1934—1939 йилларда вилоят йўл қурилиши бошқармасида ишлади. 1939 йилда, яъни йигирма ёшида армия сафига чақирилди. То 1946 йилгача ҳарбий хизматда бўлди. Ҳа, айтишга осон. Бу даврнинг ҳар бир куни бир йилга татийди, десак янглишмаймиз. Қултўра Товқораев ўша йиллардаги қийинчиликларни бошидан кечирди. Дастлаб фин урушида қатнашди. Кўп ўтмай Улуғ Ватан уруши бошланди. Иккинчи жаҳон уруши тарихидаги энг машҳур жанглар — Сталинград жанги, Курск ёйида бўлган жангларда, Белград шаҳрини озод қилишда қатнашди. Иккинчи Украина, Белорусия фронтларида бўлди.

Қултўра Товқораев урушнинг охирида—1945 йил 15 март куни оғир ярадор бўлди. Узоқ вақт госпиталда ётди.

Унинг чап оёғини кесиб ташлашди. Ниҳоят 1946 йилда Қўлтиқтаёқда қишлоғига қайтди. У жангларда кўрсатган жасоратлари учун «Шуҳрат» ордени, «Қизил Юлдуз», «Ватан уруши» ва бошқа орденлар ҳамда жанговор медаллар билан мукофотланган эди. Қултўра Товқораев қолган умрини 1-гуруҳ уруш ногирони сифатида ишламасдан, имтиёзлардан фойдаланган ҳолда тинчгина ўтказиши мумкин эди. Лекин у одам бундай яшай олмасди. Бир оёқлаб бўлса ҳам жамоа хўжалигининг оғирини енгил қилишга интилди. «Марксизм» ва Калинин номли жамоа хўжаликлари бирлаштирилгач 1950—1955 йилларда фирқа ташкилотига етакчилик қилди. Ҳалоллиги, жамоа мулкини муқаддас деб билганлиги туфайли қишлоқдошлари уни 1956 йилда жамоа хўжалиги тафтиш комиссияси раислигига сайлашди. Қултўра Товқораев 1960 йилдан ферма мудири, кейинчалик ғаллачилик бригадири, ем-хашак бригадири бўлиб умрининг охиригача халқ хизматида бўлди.

Ҳа, инсон умри шунақа. У оқар сув каби оқиб ўтар экан-у қанча-қанча кўнгилларда, юракларда тириклик, ҳаёт чечакларини яшнатиб кетаркан. Бу чечаклар меҳр-муҳаббат, яхши хотира чечакларидир. Меҳр-муҳаббат чечаклари, илоҳим, юртимизда ҳеч қачон сўлимасин.

**Муродулла КЕНГБОЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

**Қалам аҳли хўп қизиқ халқ-да. Ўтаётган кунидан хурсанд. Мабодо биров палончидан фарзандларига данғиллама иморату, ялтираган автомобил, кассада фалон минг сўм пул мерос қолдирибди, деса, асло ишонманг. Газета боғламлари-ю турфа ҳангомаларгина мерос қолади, холос. Ўттиз йиллик журналистлик давримда ана шундай антиқа табиатлиларга кўп дуч келганман. Шулардан бир шингил эшитинг.**

## ТАРЖИМОНЛИКНИ ҚАНДАЙ ЎРГАНДИМ?

ЎҚИШНИ битирганимга эндигина тўрт-беш йил бўлган, тажрибам кам эди. Вилоят қўмитасининг биринчи котиби мақоласини тайёрлаш менга топширилди. Мақола эса рус тилида, уни ўзбекчага ўгиришим керак экан. Аксига олиб матн анча мураккаб, ғирт партиявий тилда, русча иборалар билан тўла эди. Асли қишлоқ мактабини тугаллаб, таржимонликка қўл урмаган кечаги талаба учун бу хийла мушкул туюлди. Вилоят газетасида таржимонлик қилиб юрган Акрам Қодирий деганга мурожаат қилдим. У киши пича мудраётган экан.

— Энди болам, битта гап, — деди у қўлимдаги қоғозга ҳам қия боқмай. — Кеча улфатлар билан пича «тортишгандик». Бош қурмагур ари уяси. Чопиб бориб, дўкондан бир жуфт «оқсоқол»дан оласан. «Товуқ бозори»даги чойхонага тўрттагина кабоб буюр, аччиққина кўк чой ҳам бўлсин. Мен юзимни чайқайману етаман.

Айтганларини қилдим.

— Хўш, ўқийқол, қоғозингни! — деди қорини қоппайиб, икки-уч бор кекириб олгач.

Мен биринчи жумлани тугатмаёқ кўрсаткич бармоғини баланд кўтарди:

— Энди шуни ўзбекчасига ўгир, болам!

Терлаб-пишиб она тилига ағдаришга уриндим. Ногоҳ, қаттиқ хурракни эшитиб, чўчиб тушдим. Қарасам, оқсоқол яна пинакка кетибди.

— Эшитиб кўрасизми? — дедим елкасидан оҳиста туртиб.

— Нимани? — кўзларини аранг очиб, ҳайрон бўлиб тикилди менга. — Э-ҳа, қани ўқи-чи!

Мен эплаштирганимни ўқидим.

— Ўзинг бир чиройли таржимон бўпқопсан-ку, болам, мени овора қилганингни қара-я.

Ишончим комилки, биронта сўзимни эшитмади у киши. Луқмалари кўнглим учун эди, холос. Лекин шу икки оғиз сўздан руҳим кўтарилиб, қобилиятим борлигига астойдил ишонч пайдо бўлди. Шундан бери таржимонман.

## ТЕСКАРИ ЮРАДИГАН АВТОМОБИЛ

ВИЛОЯТ радиосида ҳам боладек содда, жанггоҳларда бир қўлида милтиқ, иккинчисида қалам тутган Абдулла Хайров билан ишлашга тўғри келди. Бир куни ҳамкасбимизнинг тўйидан қайтарканмиз отахонни автомобилнинг олдинги ўриндиғига жойлаштирдим. Тўйчилик эмасми, кайфлари ҳам шунга яраша.

Ярим йўлни босганимизда отахон шофёрни қаттиқ-қаттиқ койий бошлади:

— Инсофинг борми, бола! Ўн қадам юргин орқага, йигирма қадам юр. Буткул шаҳарни «назад» қилиб чиқяпсан-ку индамасам? Бошларим айланиб, кўзларим тиниб, юмилиб қолди-я!

## КИМНИНГ ЎҒЛИСАН, АКАСИ?

ТУМАН котиби хонасига кирганимда ўрта бўйли, кўзойнакли киши ўтирган экан. Салом аликдан кейин биринчи котиб уни менга таништирди:

— Ҳамкасбингиз, «Наманган ҳақиқати»нинг зонал мухбири. Туманимизда яшайди.

Астойдил қувондим. Қуш тилини қуш билади, деганларидек, зерикмайдиган бўлдик, дедим ичимда. Чунки мен ҳали янгиман. Бу киши туман хўжаликларини яхши билади. Биз бирга йўлга тушдик. «УАЗ» Чортоқсой кўпригидан ўтар-ўтмас у енгимдан аста тортди.

— Машина бир дақиқа тўхтасин! — Сўнг чап тарафдаги пастқам иморат олдида ўйнаб юрган болакайни чақирди. Чўнтагидан пул чиқариб: — Чойхоначига «Ғозиев домлага носвой бераркансиз» дегин! — деди.

Бола носвой олиб келгач, шошиб кафтига бир отим тўкиб, тили остига ташлади-да, боладан сўради:

— Кўзимга иссиқ кўриняпсан, кимнинг ўғлисан, акаси?

Бола кўзларини катта-катта очиб, ҳайрон бўлиб тикилди.

— Ўзингизнинг ўғлингизман-ку, дада!

Ҳамкасбимнинг қиёфасида заррача ўзгариш сезилмади.

— Отинг нима? — сўради яна.

Бола лом-лим дея олмай бақрайганча турарди.

— Ҳа, бўлди-бўлди, анча улғайиб қопсан, баракалло, ўғлим. Аянгга бориб айт, вилоятдан меҳмон келиб қопти, дадам бугун ҳам кечроқ қайтарканлар, дегин, — машина эшигини ёпаркан менга изоҳ берди: — Кўрмаганимгаям уч-тўрт йил бўлдиёв. Хизматчилик-да, ука, тонг саҳарда уйдан чиқиб, хуфтонда қайтамиз, бунгача болалар ухлаган бўлади.

Мен оғзимни очганимча унга қараб туриб, кулишимни ҳам, кулмаслигимни ҳам билмасдим.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ.**

## ФАЗОДАГИ ДАМ ОЛИШ МАСКАНИ

ЕР ЮЗИДА яратилаётган янгиликларнинг деярли ярми японларга тўғри келади, десак янглишмаймиз. Яқинда Япониядаги «Симидзу» компанияси яна бир катта ишга қўл урди. Компаниянинг хабарига кўра, ҳаяжонли онларнинг бадавлат ишқибозлари тахминан 2020 йилларга келиб фазовий меҳмонхонада дам олиб, фазовий овқатларни истеъмол қилишлари мумкин.

Бу меҳмонхона ердан 450 километр баландликда «осилиб туради». Унда концерт ва спорт заллари, шунингдек ресторан ва дам олиш жойлари бўлади. Бир ҳафталик йўлланма ҳар бир сайёҳ учун қарийб 900 минг долларга тўғри келади.



*Кимсан, раққоса, Лайломисан сан?*
*Яшнаб очилган раъномисан сан?* Қозимжон ЎЛМАСОВ олган сурат.

## ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ҒОЛИБЛАРИ

РЕСПУБЛИКАМИЗ спортчиларидан бир гуруҳи Осиё чемпионатида иштирок этдилар. Филиппиннинг Манила шаҳрида беш кун давомида куч синашда ўзбекистонлик енгил атлетикачилар 1 та олтин, 5 та кумуш ва 1 та бронза медалини қўлга киритдилар.

Ўзбекистон касаба уюшмаларининг физкультура ва спорт жамиятига қарашли болалар ва ўсмирлар махсус спорт мактаби тарбияланувиси Олег Веретельников биринчи ўринни олди. «Ўзбекистон» спорт мактаби ўқувчилари Оксана Яригина ва Владимир Парфеновлар эса иккинчи ўринга эга бўлдилар.

**Н. ЦВЕТКОВ.**

## УЧРАШУВ

ТОШКЕНТДА Ўзбекистон савдо, умумий овқатланиш ва матбуот жамияти тармоқлари спортчиларининг спартакиадаси бўлиб ўтди.

Бу ишга Ўзбекистон матлубот жамияти, Ўзбексавдо Давлат ассоциацияси, «Узкоопзаготторг» ҳомийлик қилишди.

Мусобақалар аввало вилоятларда бўлди. Фарғона вилояти спортчилари барча турлар бўйича ғолиб чиқиб, ўзларининг пухта тайёргарлик кўрганликларини исботладилар. Иккинчи ўринни Тошкент ва учинчи ўринни Сирдарё вилояти спортчилари эгалладилар.

**С. АНДРЕЕВ.**


**Ишонч**

БОШ МУҲАРРИР

ТЎЛҚИН ҚОЗОҚБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Акмал АКРОМОВ (бош муҳаррир муовини), Абдуманноп АЛИМБОЕВ, Муҳаммадлатиф ЖУМАНОВ, Турғунбой МАДИЕРОВ, Турғун НАЗАРОВ (масъул котиб), Абдурасул РЎЗМАТОВ, Саминжон СУЛТОНОВ (вилоят муҳбири), Муҳайё ТЎЛАГАНОВА, Шабот ХЎЖАЕВ, Санобар ХЎЖАЕВА.

● Бош муҳаррир қабулхонаси 56-25-36
● Бош муҳаррир муовини 56-52-89
● Масъул котиб 56-52-78

БЎЛИМЛАР

● Қасаба уюшмалари, социал адолат, иктисодий ҳаёт — 56-82-79.

● Маданият, маънавият ва хатлар 56-87-78, 56-87-63.

● Мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79

● Ишлаб чиқариш ва хўжалик — 56-85-43

● ВИЛОЯТЛАРДАГИ МУХБИРЛАРИМИЗНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:

Андижонда — 5-32-24;
Бухорода — 3-50-10
Гулистонда —2-10-02;
Жиззахда—2-31-41;
Навоийда — 3-52-99;
Наманганда — 6-22-10;
Нукусда —4-19-97;
Самарқандда — 35-64-22;
Термизда —2-70-07;
Тошкентда — 56-82-79;
Фарғона — 4-28-29
Урганч — 6-03-40
Қаршида —5-33-71;

● Муҳарририят га келган қўлёзмалар (2 оралиқда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Таҳририят воситачилик қилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

● Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.

Сотувда эркин нархда.

● ШАНБА кунлари чиқади.

● Босишга 24 декабрда топширилди.

● Навбатчи масъуллар:

Турғун НАЗАРОВ,
Жонрид АБДУЛЛАХОНОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

● 63660 нусхада босилди.

● Нашр кўрсаткичи: 64560; 64561.

● Газетага 1991 йил 8 январда Ўзбекистон Матбуот Давлат қўмитаси томонидан 00068 рақамли гувоҳнома берилган.

● Офсет усулида босилди. Формати А-3 ҳажми 2 босма табоқ.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамаси Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

● Буюртма Г-712 1 2 3 4 5 6